ЯНГИ ДАВР: МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЎЗБЕК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИДА АКС ЭТИШИ

Ильмира Назруллаевна РАҲМАТУЛЛАЕВА
доцент
санъатшунослик фанлари номзоди
Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мазкур мақолада мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида демократик жараёнларнинг бошланиши, сўз эркинлиги туфайли қўйилган ижобий қадамлар натижаси миллий телевидение кўрсатувлари мисолида таҳлилга тортилган.

Таянч сўзлар: демократик ислоҳотлар, сўз эркинлиги, эркин фикр, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари, телевидение, ток-шоу, ўзбек сегменти.

НОВАЯ ЭРА: ОТРАЖЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНОГО ПОДЪЕМА НА УЗБЕКСКОМ ТЕЛЕВИДЕНИИ

Ильмира Назруллаевна РАХМАТУЛЛАЕВА
доцент
кандидат искусствоведения
университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье на примере передач национального телевидения анализируется отражение начала демократических процессов в нашей стране в средствах массовой информации, результаты позитивных шагов, сделанных благодаря свободе слова.

Ключевые слова: демократические реформы, свобода слова, общественное мнение, средства массовой информации, телевидение, ток-шоу, узбекский сегмент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” Фармонида юртимизнинг кейинги беш йилликдаги тараққиётини белгиловчи асосий беш йўналиш тасдиқланди. Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги биринчи

босқичида ОАВ фаолияти хусусида алоҳида сўз боради. Жумладан, “Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш, жамоатчилик назорати механизмларини амалда тадбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш” [1] зарурати мавжудлиги қайд қилинади.

Зотан, долзарб, аҳамиятга молик ахборотларни олиш учун мамлакат фуқаролари хорижий ОАВга мурожаат қила бошлаган эди. Россиянинг “ОРТ”, “Россия”, “Россия 24”, “НТВ” телеканаллари, «Euronews», “Америка овози”, «ББС», «Озодлик» радиолари ахборот эҳтиёжмандларини мафтун этишда давом этди. Бу борада Интернет пешқадамликни қўлдан бермади. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев деярли ҳар бир чиқишида Ўзбекистон ОАВ фаолиятини ўзгартириш вақти келгани, долзарб муаммоларни кўтаришда бир ёқламаликка йўл қўймаслик давр талаби эканини таъкидлади. Жумладан, 2017 йил 30 март куни видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси фаолиятини танқид қилиб: “Ура-уралар вақти тугади. Телевидение танқидий ва таҳлилий материалларни тақдим этиши керак. Одамлар бу теледастурларни интиқлик билан кутишлари керак. Биз дастурларни ўзгартиришимиз керак" дея таъкидлади. Шундай қилиб, либераллаштириш йўли расман эълон қилинди.

Мунтазам равишда расмий, ишончли, аниқ маълумотларни кечаю кундуз бериб бориш, аҳолини мамлакатдаги жараёнлардан хабардор қилиш мақсадида Президент қарори билан «O’zbekiston 24» телеканали ташкил этилди ва 2017 йилнинг 24 июль куни расман ишга тушди. Уч юздан зиёд ижодкорни ўз сафига бирлаштирган информацион телеканал жамоаси мамлакатимиз ва хорижда

содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни “Янгиликлар-24”, “Ахборот-24” кўрсатувлари орқали ҳар соатда эфирга узата бошлади. “Интервью-24”, “Тафсилот”, “Махсус репортаж”, “Тараққиёт формуласи” ва “Студия-24” дастурлари тезкорлик тамойили асосида фаолият юритишда давом этди. Миллий ахборот маконини ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган янгиланиш, ўзгаришлар ҳақида халқаро жамоатчиликни тезкор ва холисона хабардор этиб боришни мақсад қилган “Халқаро пресс клуб”нинг эфир юзини кўриши чин маънода инқилоб бўлди. Кўрсатув ток-шоу жанрида бўлиб, унда мамлакатимизнинг Сенати, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, вазирликлар раҳбарлари, чет эл дипломатик корпус вакиллари, элчилар иштирокида турли мавзуларнинг муҳокама қилиниши томошабинни бефарқ қолдирмади.

“Муносабат” кўрсатуви эса турли соҳаларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар аудитория билан кечадиган қизғин суҳбатлар, баҳс-мунозараларга қурилганлиги билан аҳамиятлидир. Аудиторияга таклиф қилинган меҳмонлар ўртасида турли масалалар қизғин муҳокама қилинади. Бунда бошловчи Қ.Аъзам тайёр рецептларни бермайди. Балки студия билан биргаликда муаммолар ечимига йўл излайди. Янги медиа-маконда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари мутасаддилари жамоатчиликка ҳисобот бериши, экспертлар ва журналистлар билан фикр алмашиши йўлга қўйилди. “Одамлар қачон ҳаёт ўзгаради дейдилар, одам ўзгармаса ҳаёт ўзгармайди. Фармонларнинг ижросига биз минглаб одамларни жалб қилишимиз керак. Ўша муаммоларни кўтариб чиқишимиз керак. Порахўрликни фош қилиб бораверишимиз керак. Яна бутун жамият ҳаракатда бўлиши керак. Менинг кўрсатувимдаги мақсадим ана шу... Мен маърифатли жамият қуришимизни орзу қиламан”, дейди Қ.Аъзам ўз кўрсатуви ҳақида.

Олий таълим сўнгги йилларда коррупция ботқоғига ботиб қолган, мамлакат аҳолиси онгида у ҳақда салбий фикрлар шакллана бошлаган эди. Ҳаётининг ярим асрдан ортиғини олий таълимда ўтказган таниқли олим

Омонулла Маъдаевнинг кўрсатувлардаги иштироки жамоатчиликни қаттиқ ларзага солди. Олим “Имтиҳон пайтларида ўн доллардан пул йиғиб олишган. Болалардан 10 доллардан йиғиб олишган ва телефондан фойдаланишга рухсат беришган. Бу ўқитувчи номи учун иснод эмасми? Албатта ўз манфаати билан ишлайдиган одамлар бўлади. Институтларнинг ҳаммасида “бункер” деган нарса бор, бункер – бу жуда катта хўжалик. Бункерда бир кун ишлаган ўқитувчи 500 дан 1000 долларгача ишлайди. Уларнинг овқат ейдиган, дам оладиган, ухлайдиган жойлари бўлади. Буни ректорат билмаса қилиб бўлмайди” деди “Муносабат” ток-шоусининг навбатдаги сонларидан бирида. Олимнинг яна бир муносабатига эътибор қаратиш жоиз. “Ўртоқлар, тестлар ниҳоятда мураккаб тузилмоқда. “Жарангли ундошнинг жарангсиз жуфти билан шаклдош сўз ясовчи қўшимча қўшилган ўзлашма ўзак антонимига синоним сўз тўлдирувчи вазифасида келган гап иштирок этган қаторни топинг” деган саволни қаранг. Мен мутахассис сифатида буни боласи йўқ одам тузади деб ўйлайман”, деб бонг урди О.Маъдаев. Бу янги даврнинг, янги матбуотнинг сўз эркинлиги сари дадил қадамлари эди. Зотан, “Сўз эркинлиги ҳаётимизга, сиёсатимизга ҳаёт бахш этади, одамлар ўртасидаги муносабатни эзгулаштиради, ҳокимиятга нисбатан ишонч уйғотади. Сўз эркинлиги жамиятни барқарорлаштиради, миллатнинг ақлий салоҳиятини ўстиради, иқтисодни ривожлантиради ва натижада муқаррар фаровонликка олиб боради” [2;194].

Айнан шу сингари кўрсатувлар орқали Ўзбекистон МТРК тизимида жонли эфир тикланди. Жонли эфирнинг қатор афзалликлари сифатида қабул қилинган, тезкорлик билан юборилган маълумотларни мослаштиришнинг мумкин эмаслиги, электрон овоз бериш, хусусан, мавзулар муҳокамаси учун қулай, фойдали эканини таъкидлаш ўринли. Ўзбек томошабини жонли эфир орқали қайноқ мавзулар, ўзаро баҳс жараёни кузатувчисидан бевосита иштирокчисига айланиш имконига ҳам эга бўлди.

“Ўзбеклар мамлакатнинг ҳеч бўлмаганда баъзи муаммолари энди телевидение ва матбуотда ёритилаётганидан мамнун. Ўзбек оммавий ахборот

воситаларидан ҳали воз кечмаганлар бу ўзгаришлар Ўзбекистонда эркин журналистикага йўл очилиши мумкинлигига ишонишади" [3] деб муносабат билдирди “ББС” хизмати.

Ҳар бир миллатнинг овози, сўзи, юзини ифодаловчи шахслар бўлади. Янги давр телевидениеси экранга илгари таъқиқда бўлган инсонларни қайтарди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Э.Воҳидов, А.Орипов, шоира Ҳ.Худойбердиева, ЎзФА академиклари С.Ғуломов, Ш.Аюпов, Ўзбекистон халқ артистлари Ш.Жўраев, Ф.Зокировлар ҳақида кўрсатувлар тайёрланиши, учрашувлар ўтказилиши янгиланиш жараёнларидан мужда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4907-сон Фармонига мувофиқ, мамлакатимиз илм-фани нуфузини янада ошириш, илмий-технологик салоҳиятини юксалтиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, Фанлар академияси аъзолари таркибини фаннинг устувор йўналишларида илмий-тадқиқот изланишлари олиб бораётган, натижалари билан республика ва халқаро илмий ҳамжамият томонидан эътироф этилган таниқли олимлар ҳисобига кенгайтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ва янги мактаблар яратилишини таъминлаш мақсадида қатор олимлар Ўзбекистон ФА академиги этиб сайландилар. Шу муносабат билан телевидение дастурларида Ўзбекистон фанининг етакчи арбоблари, академиклар фаолиятига бағишланган “Маърифат фидойилари” (“Ўзбекистон”), “Зиё дарғалари” (“Маданият ва маърифат”) кўрсатувлари тайёрлана бошланди. Тан олиш керак, “қора рўйхат”га тиркалганлар орасида энг кўпини олимлар, академиклар ташкил қилардилар.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақиқатлари, фронт ортида қаҳрамонликлар кўрсатган халқимиз жасорати ҳақида кўрсатувлар тайёрлаш изга тушди. Бу мавзудаги кўрсатув ва фильмлар дастурлардан ўз ўрнини эгаллай бошлади. Рамазон ойи муносабати билан «Маданият ва маърифат» телеканали Ўзбекистон

Мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда «Қуръони карим маърифати», «Сўраган эдингиз», «Қуръонни ўрганамиз», «Олтин силсила» ва «Битиклар мутолааси» сингари кўрсатувларини тақдим этди. Жумладан, энг кўп жабр кўрган мавзулардан бири – жадидлар ҳаёти, фаолияти, ғояларига бағишланган туркум кўрсатувларнинг ойнаи жаҳондаги намойиши зиёлилар, миллатпарвар замондошларимиз томонидан иссиқ кутиб олинди.

Телевидениеда маънавият масалаларини ёритишда ҳам янги жараёнлар бошланди. “Мактуб” бадиий-публицистик кўрсатуви авваллари халқимизнинг унутилмас сиймоларининг ёзишма битикларини давр ва инсон муаммолари кесимида талқин қилган бўлса, энди унинг мундарижасига аввал таъқиқланган мавзулар – озодлик, эркинлик руҳи, айнан шундай аъмоллар билан яшаган, ўз ҳаётини инсоният бахти-саодати йўлида бахш этган буюк шахслар сиймолари киритилди, уларнинг эрк, инсоният бахти-саодати йўлидаги курашларига бағишланган мактублари кўрсатувга асос қилиб олинди. Бундай қадамларни “Мен англаган ҳақиқатлар” кўрсатуви орқали ҳам кузатиш мумкин. Муаллиф мамлакатимизнинг таниқли кишилари – ёзувчи, шоир, олим ва санъаткорлар иштирокидаги кўрсатувда ижтимоий ҳаётнинг муаммолари хусусида фикр юритади. Ҳар бир қаҳрамон ўзи фаолият юритаётган соҳа, унинг ўтмиши, аввалги ҳолат билан мустақиллик даврида яратилган шароитларни солиштиради, кўп ҳолларда юзага келган мавжуд муаммоли ҳолатларни ўзимиз, ўзлигимиздан қидиради, айрим раҳбар шахслар томонидан қўйилган хато-камчиликлар қайд этилади. Холбуки, узоқ йиллар давомида ҳаётни фақат позитив нигоҳ билан ёритишга кўникиб қолган телевидение учун бу чинакам янги поғона эди.

Илгари хорижга борган ва у ерда олий таълим муассасасида ўқиган, грантлар ютган, илмий фаолият олиб борган, ишлайдиган мамлакатимиз фуқаролари “юртини ташлаб кетган” кишилар сифатида баҳоланар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг АҚШда таълим олаётган ёшлар билан учрашувидан сўнг Ёшлар агентлиги ҳамкорлигида “Ўзбекистонликлар” ҳужжатли фильмлари туркуми тайёрланди. Ушбу кўрсатувлар миллионлаб

ёшларга мотивация, эртанги кунга ишонч билан қараш, билим ва кўникмалар олишга умид уйғотди.

Хусусий телеканалларда янги мавзуларнинг қалқиб чиқиши кўзга ташлана бошлади. Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда тайёрланган “Зирапча” кўрсатувида ҳаёти издан чиқиб кетган, жиноят кўчасига кириб кетишга мажбур бўлган, жамият томонидан хатти-ҳаракатлари учун қораланган ўн тўрт нафар қизнинг тўлақонли ҳаётга қайтишлари акс этди. “Одамлар орасида” (“Севимли”), “Очиқчасига гаплашамиз” (“Менинг юртим”) ток-шоулари илгари жамият ўз нигоҳини қаратишга уялган, ташвишу дардлари билан қолиб кетган, аҳолининг ҳимояга мухтож қатлами вакиллари муаммолари ҳақида фикр юрита бошлади.

Янги давр хусусий телеканалларга жон бағишлагани, замонавий аудиовизуал майдонида рекреатив кўрсатувлар кўпроқ тайёрлана бошлангани, уларнинг кўплари Россия ва хориж телеканалларида яратилган машҳур лойиҳаларнинг “ўзбекча” вариантлари сифатида томошабинга тортиқ қилинганига қарамай, аудитория томонидан яхши қабул қилинаётгани сир эмас. Бироқ глобаллашувнинг салбий томони инсонни фақат истеъмолчига айлантиради, бахт-саодат моддий фаровонлик билан белгиланади, яшашдан мақсад ҳаётдан энг юқори даражада лаззатланишдан иборат бўлиб қолади, руҳий-маънавий қадриятлар, эзгулик, савоб, беғараз ёрдам кўрсатиш каби олий тушунчалар унутилади. Инсонлараро муносабатлар фақат фойда ва зарар қонуни асосида ишлайди. Кўнгилхушликларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган турлари юзага келади. Бугунги кунда хусусий телеканаллар фаолиятини кузатганда айнан шу хусусиятлар юзага чиққани, бу ҳам глобаллашувнинг оқибати эканини англаш мумкин. “Телеканалларнинг асосий рейтингини кўтараётган, бир думалаб “бой” бўлишга ундовчи кўрсатувлар ҳам талайгина. Аввалари эркакларни футбол, аёлларни турк сериаллари билан тортадиган телеканаллар бор кучини “Акцияли” кўрсатувларга бергани ачинарли. “Омад шоу”, “Олтин калит”, “Борига барака”, “Миллионер шоу”, “Ситро шоу” ва шунга ўхшаш

кўрсатувларни мухлиси бўлмаганлар кам” деб ёзади юрист Қаҳрамон Шерматов ЎзА сайтида.

Жумладан, хусусий телеканаллар томонидан тасвирга олинаётган миллий сериалларда халқимиз ҳаёти, ўй-тутумлари, урф-одатлари, қарашлари тамомила ўзгача ракурсда суратга олинаётгани, сюжетларда ҳаёсизлик, фаҳш, зино оддий ҳолатлардек тасвирланаётгани ниҳоятда ташвишланарли ҳолдир.

Бугунги замонавий миллий аудиовизуал маконни баҳолаш анчайин қийин. Чунки бу ерда давлат тасарруфидаги, унинг ташвиқотига хизмат қиладиган давлат телевидениеси, сарфланаётган харажатларни қоплаш учун кўпроқ аудитория истак-хоҳишларига кўра ўз контентларини шакллантирадиган хусусий каналлар фаолият юритмоқда. Медиаконвергенция шароитида ҳар иккалалари ўз дастурларини интернетга жойлаштираётганларига қарамай, блогосфера, интернет сайтлари уларга жиддий рақобатчи сифатида майдонга тушмоқда. Ҳолбуки, давлат ва хусусий телеканалларнинг ўрталарида ҳам кўзга гоҳо кўринар, гоҳо кўринмас зиддиятлар, фарқлар мавжудлиги кўриниб қоляпти. Давлат телевидениеси кўрсатувларида кўтарилаётган мавзулар ўзининг долзарблиги жиҳатидан нодавлат журналистикасида кўтарилаётган мавзулардан анча торлиги, маънавият кўрсатувларида, маиший ток-шоуларда эса хусусий телеканалларнинг ўзбек миллатининг келиб чиқиши, дунёқараши, руҳияти, урф-одатлари, яшаш тутумларига мос келмайдиган тамойиллар етакчилик қилаётгани, бу муаммолар ҳар иккала телевидение ҳақида турфа фикрларнинг ёйилиши, томошабинлар норозилигига сабаб бўлаётгани миллат ойдинлари ва жамоатчиликни ташвишга солмоқда.

Йигирма биринчи аср медиамакони ниҳоятда кенг, ранг-баранг: коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши; ахборот глобаллашуви исталган ахборотни ер шарининг исталган нуқтасига бир лаҳзада етказиш имкониятларининг мавжудлиги; аудиовизуал ОАВнинг замонавий ҳолатини яхшилаш давр талаби эканини кўрсатмоқда. “…Агар биз Ўзбекистон ахборот маконида миллий контент яратишни ўз қўлимизга олмас эканмиз,

дунёдаги воқеаларга миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан баҳо бермас эканмиз, бу ишлар хориждан туриб амалга оширилишига имкон яратиб берган бўламиз. Чунки одамлардаги янгилик, таҳлилий маълумот, реал воқеаларга бўлган эҳтиёжни биз қондирмас эканмиз, буни бошқалар қилади. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар қандай танқидга жавоб бериш керак. Журналист ҳақ бўлса, буни тан олишимиз керак. Ноҳақ бўлса, унга тушунтириш орқали ёлғон хабарларнинг олдини олишга ўрганишимиз ва бутун жамиятимизга шуни тушунтиришимиз керак, бу нопок ва ёлғонлигини" [4].

Бугунги кунда Ўзбекистон телевидениесининг ижтимоий маҳсулдорлигини ошириш учун аудиториянинг талаб ва эҳтиёжлари ҳар томонлама ўрганилиши, илмий тадқиқотлар телевидение дастурларининг иқтисодий, ижтимоий ҳаётда эстетик вазифаларини қамраб олиши, оммавий ахборот нашрларида мутахассисларнинг фикрлари, рейтинг натижалари узлуксиз, доимий равишда ёритиб борилиши муҳим. Таҳлилий кўрсатувлар бошловчилигига даврнинг билимдон, жамоатчилик томонидан тан олинган сиёсатшунос, публицистларни жалб этиш орқали факт ва далилларга объектив баҳо бериш, ҳаққоний хулосалар чиқариш блогосфера ва интернет жадал фаолият юритаётган жараёнларда ниҳоятда муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил ПФ-4947-сон Фармони. https://lex.uz/docs/3107036
2. Баҳриев К. Сўз эркинлиги ҳақида сўз. – Тошкент: Олтин мерос пресс, 2023. – 194 б.
3. https://www.bbc.com/russian/features-40747228. Неожиданная оттепель: что происходит в узбекских СМИ.
4. https://www.gazeta.uz/uz/2024/01/13/media/

5. https://cabar.asia/ru/. Свобода с оговорками: как работают СМИ Узбекистана.